



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп миң йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон нуқулмайдиган, кадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеадир.

Айнан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўлмалли ислохотларни амалга ошириш учун мустақам замин яратиш, эришадиган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда, дунёда коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, кескин рақобат, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар туфайли юзага келган ғоят оғир ва мураккаб вазиятда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва уни жаҳонга тараннум қилиш буйича муҳим натижаларни қўлга киритаётганимиз, бу ютуқлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилаётгани, энг асосийси, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариб, улар ислохотлар самарасини кундалик ҳаётида ҳис қилиб яшаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустақамлаб, туб ислохот жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадри, шаъни ва ғурурини етакчи ўринга олиб чиқиш устувор вазифамизга айланган ҳозирги вақтда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва бўлимаслиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга интилиш кўп миллатли халқимизни янада бирлаштирадиган, юксак марраларга сафарбар этадиган беқис кучга айланиб бормоқда.

Буюк истиқлолимизнинг халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтириш, юртимизни ҳар томонлама эркин, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришдаги улкан аҳамият ва моҳиятини ҳисобга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигини муносиб қутиб олиш ва ушбу қутлуг санани юксак даражада нишонлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш буйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;
“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А.Арипов):
Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали бажарилиши ҳамда Мустақиллик байрамининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда кенг нишонлишини таъминласин;

барча ҳудудларда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишлаб маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, долзарб мавзулар буйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намоёндалари, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб боришини йўлга қўйсин;



ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ ВА ТАЛАБИ

янгиланаётган Конституциямизда акс эттирилади

Юртимизда қадим-қадимдан аср синовларига дош бериб келаётган боқий қадриятларимиз бор. Шундай қадриятларимиздан бири кам таъминланган оилаларга, шу жумладан, жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган инсонларга саховат, меҳр-мурувват кўрсатишдек муносабатларни ўз ичига олади.

Фракция йиғилиши

ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ

шаффоф тартиби жорий этилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда дастлаб Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда кўрсатилиб, маъмурий ва фуқаролик ишлари буйича давлат ҳисобидан бепул ёрдам кўрсатиш назарда тутилмагани кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаганига олиб келмоқда. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишда адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий этилмаган, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиши мувофиқлаштирувчи ягона орган белгиланмаганига бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига тўсқинлик қилмоқда.

Лойиҳани ишлаб чиқишдан асосий мақсад жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро шартномалар билан кафолатланган ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барқарор ва давлат ҳисобидан ишончли юридик ёрдам кўрсатиш тизи-

мини яратиш, юридик ёрдам олиш ва одил судловга эришишда тенг имкониятлардан фойдаланишни таъминлаш ҳисоблангани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси 5 та боб, 34 та моддадан иборат бўлиб, лойиҳада:

- давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий ўналошлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари белгиланмоқда;
- давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни қиритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда;
- давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси кенгайтирилмоқда;
- давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юритиш ва унга адвокатларни қиритишнинг очик ва шаффоф механизмлари жорий этилмоқда;
- ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилсиз электрон тизим орқали тасодифий танлаш тартиби жорий этилмоқда;

- давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиши мувофиқлаштириш учун масъул давлат органи сифатида Адлия вазирлиги белгиланмоқда ҳамда ушбу вазифа унинг тизимидаги юридик хизмат кўрсатиш марказларига юклатилмоқда.

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари ҳамда депутатлар томонидан таъкидланганидек, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатларини қучайтиришга, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг шаффоф тартибини жорий этиш ҳамда давлат томонидан ушбу мақсадда ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан самарали назоратни ўрнатишга ҳамда мамлакатнинг тегишли халқаро рейтинглар, шу жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги (Rule of law) индексидаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Шунингдек, «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар қиритиш хақида»ги Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Маърузада қайд этилганидек, ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, шунингдек, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган объектларни бузиб ташлаш кўлаб давлатларда долзарб муаммо ҳисобланади ва ушбу масалаларнинг лозим даражада ҳуқуқий тартибга солинмаслиги аксарият ҳолларда аҳоли орасида норозиликларга сабаб бўлади.

Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг аниқ тартиб-таомиллари ва механизми қонунчиликда белгиланмагани мамлакатнинг халқаро имижига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маъмур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги қонунига ва Фуқаролик кодексига ўзгаришлар қиритилиши назарда тутилгани қайд этилди.

Лойиҳа билан «Гаров тўғрисида»ги қонуннинг 47-моддаси биринчи қисмида “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга тушунчаларни мувофиқлаштириш мақсадида “давлат эҳтиёжлари” деган сўзлар “жамоат эҳтиёжлари” деган сўзлар билан алмаштирилиши таклиф этилмоқда.

АМУ БАҒРИДАГИ ДЎСТЛИК КЕЧУВЛАРИ ТАРИХИ



Хофизу Абрў Чўчкагузар кечуви хақида Чаганиён тарихи асарига шундай ёзади:

“Бурдоғуй – Жайхун бўйида, Термизга туташ бўлган мавзе. Баъзилар унга Термиздан анча олдин асос солинган, дейишади. Айримлар эса уни Искандар қурдирган, дейдилар. “Бурдоғуй – юнонча сўз бўлиб, “меҳмонхона” деган маънони англатади ва бу ном ҳам Искандар замонида қўйилган, деган фикрни айтганлар. Қадимда зиммасига Жайхуннинг кечувидан ўтишини таъминлаш юкланган кемачиларнинг бошлиқлари шу Бурдоғуйда турганлар.

Бурдоғуй султонлар ўтадиган кечув бўлган. Қадимги подшоҳлар ул мавзенинг аҳолисини дарёнинг гузарини қўриқлаб туриш учун рағбатлантириб, уларга тархонлик берганлар. Шу сабабдан у ерда аҳоли кўпайган, бой-бадавлат зодагонлар истиқомат қилган. У ерда бирон-бир мусофир келиб қолса, уни яхши қутиб олганлар. Тез орада ул жойнинг халқи ўз олижаноблиги билан машҳур бўлди”.

МАҚСАД — ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШМИ ЁКИ ЯХШИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШ?



Сертификатларнинг сохталаштирилиши масаласига тўхталсак, бу зўрма-зўрақилик, талаб нотўғри қўйилиши оқибати. Дарҳақиқат, ҳуқуқ-бузарликлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Биз уларнинг барвақт олдини олиш, содир этилишига имкон яратадиган сабаб ва шарт-шароитларни вақтида баргараф қилиш зарурлигини била туриб, ҳуқуқбузарликлар рўй берганидан кейингина оқибатлари билан курашишга одатланиб қолганмиз.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ ШАРТИ ВА ТАЛАБИ

янгиладилган Конституциямизда акс эттирилади

Янги ўзбекистонда "Инсон қадри учун" тамойилини амалга ошириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, шу жумладан, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда касбий тайёргарлик ва бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тўртинчи гуруҳга мансуб ўзгаришлар Конституциянинг 41- ва 45-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқлар билан боғлиқ:

• махсус таълимга эҳтиёжманд ва индивидуал имкониятлари бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбия ташкил этилади;

• давлат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларининг ҳаёти сифатини яхшилашга, бошқа фуқаролар билан жамоат ва давлат ҳаётида тенг иштирок этишлари учун шароит яратишга ва асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Бешинчи гуруҳга оид ўзгаришлар эса ҳукуматнинг мажбуриятларини мустақамлайди (Конституциянинг 98-моддаси):

• ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ногиронларни ҳимоялаш тизимининг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

• фуқаролик жамияти институтларини, шу жумладан, жамоат бирлашмаларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирокити, ижтимоий шериқлик дастурларини амалга ошириш таъминлайди.

Жаҳон давлатларининг конституциявий ривожланишини ўрганишга асосланган таҳлиллар шуни кўрсатадики, дунё мамлакатлари орасида ўз Конституциясига ногиронлар тенглиги тўғрисидаги қонун киритган биринчи мамлакат Канада бўлиб, унда: "Хар бир шахс ҳеч қандай камситишсиз, шу жумладан, ирқи, миллати, дини, жинси, ёши, ақлий ёки жисмоний нуқсонларидан қатъи назар қонун олдида тенгдир", дейилади.

Германиянинг Асосий қонунда ҳам худди шу мазмундаги норма мустақамлаб кўйилган: "Хеч бир инсон ногиронлиги сабабли камситилиши мумкин эмас". Қонунга кўра, ҳар бир фуқаро "реабилитация қилиш ва оддий ҳаёт тарзига интеграция қилиш ҳуқуқига эга", мамлакатнинг Асосий қонун қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг нафақат федерал даражадаги, балки барча маҳаллий федерал ерлар ҳамда жамоалар доирасидаги қўшиқ даражалари, шунингдек, турли жамоат идоралари ва муассаса-

Бу борада умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қaratилмоқда. Сўнги 5 йил ичида давлат раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро конвенция (НХҚ) ратификация қилди, мамлакатимиз Осиё-Тинч океани минтақасида ногиронларнинг асл ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Инчхон стратегиясига қўшилди, "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида"ги ҳамда "Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Қолаверса, ногиронларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг институционал асосларини мустақамлаш, ижтимоий ҳимоя ва тиббий-ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмлари жорий этишга янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралар қонунга кенгайиш, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида "Ногиронларни қўллаб-қувватлаш жағнамаси" ташкил этилди. Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа қатламларининг автоматлаштирилган ягона электрон реестри тизими яратилди.

Бугунги кунда ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Бироқ амалдаги Конституциямизда ногиронлар ёки имконияти чеklangан шахслар ҳақида етарлича сўз юритилмаганлиги бугунги кунда умумхалқ муҳокамасидаги Конституциявий қонун лойиҳасида ушбу соҳага тааллуқли бир қатор янги бандлар киритилишига сабаб бўлди.

Мазкур янгиланишларнинг биринчи гуруҳи Конституциянинг муқаддасида ўз ифодасини топган ҳамда улар:

• Ўзбекистон ягона халқининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигини мустақамлаш;

• ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати, фаровонлиги ва манфаатлари ҳақида гамхўрлик қиладиган инсонлар ва ижтимоий давлатни барпо этиш ва мустақамлашга интилишни акс эттиради.

Янгиланишларнинг иккинчи гуруҳи Конституциянинг 39-моддасига киритилган:

• ҳар бир шахс кексайганда, ишга яроқсиз бўлганда, ишсизлик, ногиронлик, шунингдек, боқувчисини ўйотган ҳолатларда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга;

• давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратяди, давлат пенсиялари, нафақалари ва бошқа ижтимоий ёрдам турлари расмий равишда белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан паст бўлиши мумкин эмас;

• давлат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган, яхши уй-жой шароитларида муҳтож фуқароларни уй-жой билан таъминлайди, ногиронларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун зарур бўлган тенг шароитларни яратяди;

• ногиронларга нисбатан ҳар қандай яқалаш, ажратиш, четлатиш, чеклаш ёки афзал қўриш, шунингдек, ногиронларга объектлар ва хизматлардан фойдаланиш учун шароит яратишдан бош тортиш тақиқланади.

Учинчи гуруҳга мансуб ўзгаришлар Конституциянинг 40-моддаси нормаларида ўз аксини топган:

• ҳар бир инсон соғлиқни сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

• фуқаролар қонунда белгиланган ҳажмда кафолатланган бепул тиббий ёрдам, шунингдек, тез ёрдам ва шонли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АДОЛАТЛИ ҲИМОЯСИ

Замонамиз шиддат билан ривожланиб бормоқда, қисқа муддат ичида халқнинг ортиб бораётган талаблари, яшаш тарзи мулкнинг янги қадри қўйиши, Конституциявий ислохотлар бунга мос ва ҳамоханг бўлиб бориши лозим ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегиясига ўтиш жараёнида Бош қомисиснинг "Инсон – жамият – давлат" тамойили асосида тақомиллаштириш давр талаби экани барчага маълум.

"Адолат" социал-демократик партияси ҳам ўзининг электорати, кўп миң сонли аъзолари билан ҳамфиқрликда Конституциявий ислохотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган. "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати томонидан Конституциявий ислохотларда кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режага мувофиқ жорий йилнинг 29 июль ҳолатига кўра "Адолат" СДП томонидан 3860 та тадбир ўтказилди.

Бу жараёнда партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, вилоят ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, "Аёллар қаноти", "Еш адолатчилар" қаноти, партиянинг фаол аъзолари билан биргаллик иш олиб борилди. Партия Марказий аппарати томонидан "Ўзстандарт" агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, "Олима" аёллар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Ўзбекистон

раёнида крилл алифбосида иш ҳужжатларини юритишга мажбур бўлмоқда. Асосий қонунимизда ҳужжатлар қайси тил ва алифбо бўлиши алоҳида белгиланмаган. Аамалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам бу ўз аксини топмаган. Шу туфайли Конституциянинг 4-моддасининг биринчи қисмига "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳужжатлар ўзбек тили ва лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида олиб борилади. Халқаро қонун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар бундан мустасно" деб белгиланиши тақлиф этилган. Бу эса ўзбек тили ва ўзбек алифбосининг мавқеини кўтаришга асос бўлади. Шунингдек, Конституциянинг 21-моддаси биринчи қисмига кўра "Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган" деб белгиланган, унга қўшимча равишда "Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган ва фуқаролар ўзбекистонлик деб аталади" деган норма қўйиш тақлиф этилган.

Конституциянинг 56-моддаси кўра "Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касабга уюшмалари, сийёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий харақатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади", дейилган. Фикримизча, партияларнинг сийёсий куч сифатида мавқеини кучайтириш керак. Яъни, партияларнинг жамоат бирлашмаларидан устунигини белгилаб қўйиш лозим.

Амалдаги Конституциянинг 68-моддасида "Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, маҳаллалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида иборат" деган тарзда қўшимча киритилиши лозим.



Иномжон ҚУДРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

лари зиммасига барча тоифадаги ногиронларни "имкон қадар оддий ҳаёт тарзига киритиш, интеграциялаш" бўйича барча чораларни кўриш масъулиятини юклайди.

Ногиронларнинг ҳуқуқлари Венгрия Конституциясида ҳам ўз акс топган: "Венгрия ҳар қимга камситишларсиз, хусусан, ирқи, танасининг ранги, жинси, ногиронлиги, тили, дини, сийёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулк қилиши, туғилиши ёки бошқа бирор мактабдан қатъи назар асосий ҳуқуқларни кафолатлайди". Давлатнинг "алоҳида чора-тадбирлар орқали оилалар, болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлар ҳимоясини таъминлаш" кўрсатилган.

Ўзбекистонда амалга оширилган конституциявий ислохотлар – Асосий қонунимизни замонавий воқеалар билан уйғунлаштириш, ногиронларнинг имкониятларини халқаро стандартларга мувофиқ кенгайтириш, шунингдек, уларни жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларига фаол жалб этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Янги Ўзбекистонда яратилган сийёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар фуқароларнинг, жумладан, барча тоифадаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг, хусусан, ногирон аёллар ва ногирон болаларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга имкон яратиши иншоаман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БИР ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТҚАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Белгиланган чора-тадбирлар қандай амалга ошириладигани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирилик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз ичига олиб, равишда эшитиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна раҳбарлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари билан иборат иқодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юқори савияда ўтказиш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин: сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг ҳаёти, қалби ва онгида юз берган ижобий ўзгаришларни таъсирчан усулларда ифода этиш; мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессия вакиллари ўртасида аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада кучайтириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида амалга оширилган ишларнинг аҳамиятини чуқур таҳлиллар, аниқ ҳаётий мисоллар ёрдамида кенг жамоатчиликка етказиш;

бугунги тинч ва эркин ҳаётни қадрлаб, шурқоналик туйғуси билан яшаган, инсон қадрини улуғлашга давлат этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижаларини кўрсатиш;

байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғариз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини амалга ошириш.

5. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):

Республика Мазнавият ва маърифат маркази (М.Ҳожиматов) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаллик бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказилган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийини ишлаб чиқсин;

ушбу концерт томошасини тажрибали ижодкорлар ҳамда юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда, юксак гоивий-бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

6. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков), Бадий академия (А.Нуриддинов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов), Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси (О.Усаров), "Тасвирий ойна" иқодий уюшмаси (И.Лаптов) тегишли ташкилотлар билан биргаллик "Энг улуг, энг азиз", "Ранглар жилосида – она дийр", "Ватан учун яшайлик!" каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда ҳомийлик хайриятлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ республика бюджетини ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ҳаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўчимов), "Дунё" ахборот агентлиги (С.Сурров), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (Ш.Қудратхўжа) ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 1 август



ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГ ШАФФОФ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Шунингдек, рус тилидаги матнидаги "выкуп" тушунчасига аниқлик киритилиб, давлат тилидаги матнида "сотиб олиш" сўзлари "кайта сотиб олиш" сўзлари билан, қолаверса "товон тўлаш" тушунчасини янада аниқлаштириш учун ушбу сўзга "компенсация" сўзи билан изоҳ берилмоқда.

Фуқаролик кодексининг 83, 166, 198, 199 ва 206-моддаларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириш мақсадида "қонун ҳужжатлари" деган сўзлар тегишли келишиқдаги "қонун" сўзи билан алмаштирилмоқда.

Шу билан биргаллик, худди шу асосга кўра, Фуқаролик кодексининг 197-моддасидаги "мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади" деган сўзлар "қонунда белгиланган асосларга кўра мулк ҳуқуқини бекор қилишга олиб келувчи қонунчилик ҳужжати га мувофиқ бекор бўлади" деган сўзлар билан алмаштирилмоқда.

Фракция ййгилишида халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш, юртимиздаги ислохотларни янада тақомиллаштиришга оид бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ййгилишда муҳокама этилган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда тақлиф ва муносабатлар билдирилди.

"Адолат" СДП Матбуот хизмати

МУАММО БИРГАЛИКДА ЕЧИЛМОҚДА

Очигини айтганда, сиёсий партиялар фаолияти билан айрим фуқаролар сайловлар вақтидагина қизиқади. Бир қарашда бу қайси партия вакилларига овоз беришда хулосага келиш учун керак. Албатта, масалага бир тарафлама қараб бўлмайди. Баъзи партия фаоллари сайлов жараёнида жонбозлик кўрсатиб, бошқа вақтларда талаб даражасида иш юритмаслиги ҳам бор гап.

Халқ депутатлари Марҳамат туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари эса партиянинг Сайловдаги дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, йил бошида манзилли чора-тадбирларни белгилаб олгани эътирофга молик. Ҳар ой охирида депутатлик гуруҳи аъзолари йиғилиб, бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш борабарига галдаги вазифаларни муҳокама қилади. Худудлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгиланади. Бу айни вақтда хайрихоҳларимиз сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

– Жамоатчилик билан ишлашда маҳалла институти бизнинг энг яқин ҳамкоримиз, – дейди халқ депу-



татлари Марҳамат туман Кенгаши депутати Жасурбек Исаев. – Туманимиздаги 48 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бири билан алоқани йўлга қўйганмиз. Ҳар ой якунида ўтказиладиган кенгайтирилган йиғилишларида иштирок этиб, сайловчиларнинг фикрларини ўрганаемиз. Худудлардаги муаммолар ечимини ҳам МФЙ фаоллари билан биргаликда топамиз.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида депутатлар томонидан МФЙлардаги 240 та муаммо бартараф этилган. Улардан 41 таси коммунал хизмат, 76 таси тадбиркорлик, 51 таси бандлик, 31 таси уй-жай ва 41 таси бошқа масалаларга тегишли.

Хусусан, "Қўрғонча" МФЙ ҳудудида истиқомат қилаётган фуқароларни кўпдан буён ичимлик сув масаласи

қийнаб келарди. Шу йилнинг март ойида маҳалла аҳли "адолат"чи депутатларга мурожаат қилди. Урганиш мақсадида 785 метр ичимлик суви қуеури тортиш зарурлиги аниқланди. Депутатларнинг савб-ҳаракати билан бу масала ҳал этилди.

"Полвонтош" МФЙдан депутатларга маҳалланинг 1500 метр ички йўлга асфальт ётқизиш буйича мурожаат қилинган. Урганиш натижасида ушбу маҳалланинг ички йўли ярқис холатга келиб қолгани аниқланди, асфальтлаш ишлари амалга оширилди.

Депутатларга қилинган мурожаатлар асосида 6 ойда 65 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Мисол учун, Жамшидбек Мансуров Андижон нефть қудуқларини таъмирлаш корхонасига, Азизбек Қориев ва Васлиддин Солиев хусусий корхонага ишга жойлаштирилди.

"Ташлоқ" МФЙда яшовчи Сардор Каримов ва Назокат Латипованинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида банк муассасаларига мурожаати ижобий ечим топа олмаётган. Депутатлар аралашуви натижасида ҳар икки фуқарога "Халқ банки" томонидан 14 фоизли кредит берилди.

Халқ вакили сифатида зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда депутатлардан Муҳаммаддисмон Маманов, Мамасидиқ Эргашев ва Жасурбек Исаев фаоллик кўрсатмоқда. Жорий йилда улар томонидан маҳаллий Кенгаш сессиясига 1 та ва доимий комиссияларга 6 та масала киритилгани ҳам шундан далолат беради.

Аблиёр ҚОРАЕВ,
халқ депутатлари Марҳамат туман Кенгаши депутати

3500 метр ички йўллар таъмирланди

Депутатларнинг маҳаллалар ва чекка қишлоқларда кўчама-кўча, уйма-уй юриб, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини ўрганиши, муаммоларини бартараф этиши туфайли худудларда сезиларли жонланиш ва ўзгариш кузатилаётгани кўпчиликни мамнун қилмоқда.

Мазкур жараёнда "Адолат" СДПнинг қуйи бўғинларидаги депутатлик гуруҳлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Айниқса, бу борада партиянинг халқ депутатлари Конимех туман Кенгашидаги депутатларнинг муносиб хиссаси бор.

Депутат Олия Бахромова аҳоли муаммоларини бартараф этиш, яшаш шароитларини яхшилаш, инсонларга қулайлик яратиш мақсадида тумандаги тегишли корхона ва ташкилотларнинг мансабдор



шахсларига жорий йилнинг ўтган даврида 6 та депутатлик сўрови чиқарган эди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари муҳокамага 9 та масала киритилиб, улар ҳақида туман Кенгаши сессияларида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Натижада туман ҳудудидаги "Наврўз" ва "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғинларида 3500 метр ички йўлларда таъмирлаш ва шағал ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, депутат О.Бахромова томонидан тумандаги иккита умумтаълим мактабига 100 дан ортиқ бадий китоблар тўплами, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига уйинчоқлар, уч нафар кам таъминланган оила вакилларига эса тикув машиналари совға қилинди.

Қудайимберди ЖАНХЎЖАЕВ,
Конимех туман кенгаши раиси

Партия назорати

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ТАҲДИЛ ЭТИЛДИ

«Адолат» СДП Сурхондарё вилоят кенгаши вакиллари депутатлари, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари ҳамда ихтисослаштирилган марказлар раҳбарлари, шифокор-мутахассислардан таркиб топган гуруҳи вилоятда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларнинг кадрлар таъминотини яхшилаш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, соғлом овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини чуқур ўрганимоқда.

Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлари ва масъуллардан таркиб топган ишчи гуруҳи томонидан Сурхондарё вилоятда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тарақиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 78-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ўрганилди. Урганишлар жараёнида аҳоли ҳамда беморлар билан юзма-юз мулоқот қилинди. Эътиборлиси, маса-

лаларни жойида ҳал этиш чоралари қўрилди. Аниқланган камчилик ва муаммоларга халқ вакиллари, соҳа мутасаддилари ҳамда масалага алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ечим топишга қаратилган бу ишларнинг олиб борилишидан мақсад аҳолининг тиббий хизматдан розилигини таъминлаш бўлди. Урганишлар давомида вилоятда яшовчи 3 минг нафардан ортиқ оғир, сурункали касалликка чалинган ва эҳтиёжманд оилалар аъзолари қайта тиббий кўриқдан ўтказилиши режалаштирилди. Асосий эътибор вило-

ятдаги тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасининг ҳолати, асбоб-ускуналар билан таъминланганлик даражаси ва улардан самарали фойдаланиш, кадрлар таъминотига қаратилди. Вилоятда касаллик кўрсаткичлари таҳлилдан ўтказилди.

Аниқланишича, Марказда жорий йил давомида 68,0 миллион сўм маблағ ажратилиб, тиббий аппаратлар таъмирланган. Бу маблағлар Марказнинг тиббий пуллик хизмат асосида топилган маблағлар ҳисобидан ажратилган. Таъмирталаб аппаратларни таъмирлаш буйича 4 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Марказнинг лаборатория бўлими беморларга хизмат кўрсатиш учун барча реактивлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда мавжуд барча тиббий аппаратлар стандарт қиёсов кўригидан ўтказилган бўлиб, юқори технологик аппаратлар (МРТ, МСКТ, рақамли рентген) билан тўлиқ таъминланган.

Албатта, муаммолар бор. Уларнинг ечимлари ҳам тақлиф этилмоқда. Чора-тадбирлар режалари тузилмоқда. Аммо масалаларни бартараф қилиш



учун молиявий ресурс ҳам етарлича бўлмоғи лозим. Шу боис ҳам вилоятда мўлжалланган дастурга кўра, жорий йилда барча манбалар ҳисобидан соҳага маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда республика бюджетидан 4,8 миллион долларга тенг маблағлар ҳисобидан Республика кардиология марказининг вилоят филиали, вилоят эндокардиология диспансери, юқумли касалликлар шифохонаси, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, тери-таносил касалликлари диспансери, кўп тармоқли тиббиёт маркази, 14 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси ҳамда санитария-эпидемиология назорати муассасалари тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Яқинда "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши фаолиятининг биринчи ярим йиллик якуналари кўриб чиқилди. Партия ташкилотлари олиб борган ишнинг барча жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинди. "Ғалвир сувдан кўтарилганда" тўрақўрғонликлар аксарият кўрсаткичлар буйича юқори ўринларни эгаллагани маълум бўлди. Дарвоқе, бу улар эришган дастлабки муваффақият эмас. Ўтган йили ҳам шундай юқори натижага эришилган.

Ғалвир сувдан кўтарилганда

– Фаолият самарадорлиги ҳақида гап кетганда, у қатор омилларга боғлиқлиги барчага маълум, – дейди "Адолат" СДП Тўрақўрғон туман кенгаши раиси Захроҳон Аҳмедова. – Назаринда, улар орасида партия фаолларининг савб-ҳаракатлари ва жонқуярлиги алоҳида ўрин тутаяди. Бунда айниқса, депутатларнинг ўрни беқийс.

2019 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловларда маҳаллий "адолат"чилар халқ депутатлари туман Кенгашида учта ўрин эгаллади. Тўғри, натижа қуттилганидан пастроқ бўлди. Лекин депутатлик гуруҳи тузиш имконияти қўлга киритилди. Бу ҳам узига яраша ютуқ, албатта. Уч киши бўлса ҳам ҳамжиҳатликда ишланса, ҳар қандай мураккаб вазифани адо этиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир депутатдан тинмай изланиш ва ижодий меҳнат қилиш талаб этилади. Айниқса, сайловчилар билан ишлашни намунали йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Шу орқали партия нуфузини аҳоли ўртасида янада кўтариш, унинг танилувчанлигини ошириш мумкин. Натижада "Адолат" СДП голялари ва дастурларини кенгроқ тарғиб этиш имконияти ҳам вужудга келади. Биз сайловчиларнинг депутатлар, улар орқали эса партия фаолиятига берадиган баҳосини назарда тутмоқдамиз.

Фаолларнинг, айниқса, депутатларимизнинг ишлари кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлгандагина, фаолият самарадорлиги ҳақида сўз очилиш мумкин. Бунинг учун эса депутатлар сайловчиларга ҳисобот бериб боришлари зарурлиги сир эмас. Шу жараёнда ютуқларимиз ҳам кўзга ташланади, камчиликларимиз ҳам ошкор бўлади.

26-Қатағон сайлов округидан туман Кенгашига сайланган депутат Эркинжон Бориевнинг йил бошида сайловчилар билан ўтказган орашувида қатнашишимга тўғри келди. Партиядошимиз ҳамжиҳатлик олдига 2021 йил давомида амалга оширилган ишлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Бунда фуқароларни ўйлантираётган муаммоларнинг ечимини топиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ масалалар диққат марказида бўлганлиги эътиборга лойиқдир. Масалан, сайловчилар талабига кўра худудни обдонлаштириш буйича кўп иш қилинди. Депутат ташаббуси билан ўтказилган ҳашарлар яхши самара берди. Бу билан атроф-муҳит мусоффолиги таъминланди. Беш километрдан зиёд масофадаги арик-зовурларнинг тозалиги доимий назоратга олинди. Икки минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилганлиги эса кўккаламзорлаштириш даражасини оширди.

Ички йўлларнинг ҳолатини яхшилаш буйича ҳам изчил иш олиб борилди. "Уста" кўчасининг 100 метри асфальтланди. "Янгиобод" кўчасида 850, "Ҳожимат бува" кўчасида 600 метр йўлга ҳомийлар кўмағида шағал ётқизилди.

Аҳолини электр қуввати билан таъминлашни яхшилашда депутатлик сўрови қўл келди. Туман электр тармоқлари корхонаси сайловчилар талабига кўра қатор ишларни амалга оширди. Учта янги трансформатор пункти қайтадан жиҳозланди. 65 та эскирган симёғочлар алмаштирилди. Натижада электр таъминоти узлуксиз бўлди.

Бундан ташқари, Э.Бориев пандемия даврида аҳолининг кам таъминланган қисми эҳтиёжларини қондириш буйича ҳам изчил иш олиб борди. Бундан унинг МФЙ раиси сифатида худудда яшовчиларнинг турмуш шароитларини яхши ўргангани қўл келди. Унлаб фуқароларга моддий ёрдам, озиқ-овқат, уй жиҳозлари етказиб берилди.

– Мен Эркинжонни кўп йиллардан бери яхши танийман, – дейди шу маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийси Қудратилла Нажмиддинов. – Сайловчилар унинг ташкилотчилиги ва тадбиркорлигини, фуқаролар мурожаатларига бефарқ эмаслигини ҳисобга олиб, ишонч билдирган эдилар. Мана, адашмаганимиз аниқ бўлди.

Эркинжон Бориев – халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси. У айни пайтда "Қатағон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳисобланади. Ҳар икки вазифани бажаришда меҳнатсеварлиги ва фаоллиги, халқ иши учун жонқуярлиги билан ажралиб туради. Шу туфайли аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонган.

Бу яқинда бўлиб ўтган маҳалла раиси (оқсоқоли) сайловида яна бир бор кўзга ташланди. Депутатимиз МФЙ раислигига номзод сифатида келгуси уч йилда олиб боришни режалаштирилган ишлари дастурини тақдим этди. Партиядошимиз яна МФЙ раислигига сайланди. Бу эса депутатнинг навбатдаги синовдан муваффақиятли ўтганини билдиради.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Бундан ташқари, дастурга асосан, жорий йилда вилоятда жами 80 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилиши ҳам режалаштирилмоқда.

Бугун соғлиқни сақлаш тизимидаги яна бир муҳим муаммо – кадрлар таъминоти ва салоҳияти масаласига ҳам дастурда алоҳида эътибор қаратилган. Маълумотларга кўра, вилоятда тизимдаги тиббиёт муассасалари учун ажратилган штат бирлигида 5 минг нафарга яқин шифокор ишлайди. Яъни, бандлик даражаси 85,2 фоизни ташкил этади. Вилоятда бу тизимда 300 дан ортиқ бўш иш ўрни мавжуд.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида аниқ муддатли, масъул ижрочилари ва молиявий ман-

Фахриддин ОРИФХОНОВ,
Сурхондарё вилоят кенгаши раисининг мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари

Тўйхат ўрнида

Инсон ҳаётининг мезони унинг босиб ўтган ҳаёт йўли билан ўлчанади. У йўл турлича бўлиши мумкин. Ҳалимбой Бобоевнинг ҳаёт йўли анча салмоқли ва мураккаб бўлди. Мураккаблиги шундаки, у Иккинчи жаҳон уруши авжига чиққан ва халқимиз ҳаётининг мусибатли даврларида – 1942 йил август ойининг 10 кунда дунёга келди. У туғилган вақт ёз фаслига тўғри келса-да, худди қишнинг изгиринли кунларидек одамлар ҳаётига совуқ таъсир қилиб турган бир пайтлар эди. Бир томондан уруш, иккинчи томондан қаҳатчилик, очарчилик ёш Ҳалимбой Бобоевнинг тетапога бўлиб ўсишида анча қийинчиликлар туғдирди. Аммо унинг тиришқоклиги, меҳнатқашлиги, интилувчанлиги ўз йўлини топиб олишда мустақкам замин бўлди.



ИЛМ ВА АДОЛАТНИ МАЁҚ ҚИЛГАН ОЛИМ

Ўша оғир йиллар унинг учун катта мактаб вазифасини ўтади. У меҳнат фаолиятини 1959 йили 17 ёшида 704-сонли “Ўзгидроэнергияқурилиш” трестининг дурадгорлигидан бошлади. 1961–1964 йилларда армия сафида хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан кейин меҳнат фаолиятини “Ўзбекметаллургия” заводининг ишчиси сифатида давом эттирди. Лекин болалигидаёқ унинг қалбидан жой олган ҳуқуқшунос бўлиш орузи уни тарқ этмади. Пировардида, 1965–1970 йилларда Тошкент давлат университети юридик факультети талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлди. Олий маълумотли ҳуқуқшунос Ҳалимбой Бобоев шундан кейин атиги бир йил Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг катта инспектори, тезкор навбатчиси вазифаларида фаолият юритиб, 1971 йилдан ҳозирга қадарлик меҳнат фаолиятининг қолган қисмини таълим-тарбия ва илм-фанга бахшида этди. Жумладан, Тошкент давлат университети юридик факультетининг аспиранти, ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, хорижлик талабалар билан ишлаш бўйича декани, малака ошириш курслари декани, доценти, кундузги бў-

лим бўйича декан муовини, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедрасининг мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди. 1991 йилдан бошлаб Тошкент давлат юридик институтининг кечки ва сиртки бўлимлар бўйича проректори, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси мудири, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг проректори, Тошкент давлат юридик институти ректори, Тошкент давлат юридик институтининг “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси мудири, Юристар малакасини ошириш марказининг “Давлат-ҳуқуқий фанлари” кафедраси мудири ва бошқа лавозимларда фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда саксон ёшини қаршилаётган Ҳалимбой Бобоев юзлаб илмий ва илмий-публицистик асарларга муаллифлик қилди, Бурҳониддин Марғинойнинг юриспруденциянинг асоси бўлган машҳур “Хидоя” асарини ўзбек тилига таржима қилишда фаол иштирок этди, айниқса, таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратган жонкуяр раҳбар ва атоқли олим сифатида халқимизнинг қалбидан жой олди. Юридик фанлари

доктори, профессор, “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони соҳиби бўлди. Ҳ.Бобоев эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жараёнида, шунингдек, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, “Адолат” социал-демократик партияси ҳаётида ҳам муҳим из қолдирди. Партияни тузиш ташаббускор гуруҳ ўзагида йирик жамоа арбоблари қаторида Тошкент давлат юридик институти ректори, профессор Ҳалимбой Бобоевнинг фаол иштироки партия тарихига муҳрланди. Ташаббускор гуруҳ саъй-ҳаракатлари билан унинг фаол иштирокида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамиз барча вилоятларида ташаббускор гуруҳлар тузилиб, таъсис Қурултойига тайёргарлик кўрилди. Партиянинг Низоми, Дастури ва Қурултойнинг ўзбек халқига мурожаатномаси лойиҳалари ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, 1995 йил 18 февраль кuni Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Ўзбекистондаги илк ва ягона социал-демократик партия сифатида ташкил этилди. Ўшанда партия Сиёсий Кенгаши котибларидан бири бўлиб Ҳалимбой Бобоев сай-

ланди ва 1999 йилга қадар беш йил давомида жамоатчилик асосида шу лавозимда фаолият юритиб, партиянинг оёққа туриши, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан ўсишида фаол иштирок этди. “Адолат” социал-демократик партияси Ҳалимбой Бобоевнинг партия ҳаётидаги фаол ташкилотчилик ва раҳбарлик даражасидаги иштирокини, эл-юрт, кенг жамоатчилик орасида танилишига, сафдошларимиз сонининг орттиришига қўшган беғараз хизматларини қадрлаб, 2018 йилда партиянинг олий мукофоти – “Адолат” кўкрак нишони билан тақдирлади. Ҳали ҳам жамият олдидаги ўз масъулиятини унутмаган, айниқса, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик ғояларига садоқат, юксак фидойилик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдек шарафли ишларда фаоллик ва намуна кўрсатиб келаётган Ҳалимбой Бобоевни 80 ёшлик умр йўллари билан қизгин табриклаймиз. Зеро, у босиб ўтган илм ва маърифат йўли узоқ йиллар жамият учун нафи тегишига тилақдошмиз.

Абдукамол РАХМОНОВ, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ранси ўринбосари

“ADOLAT” шарҳи

Ҳар қандай шахс кундалик ҳаётида бирор-бир ҳуқуқий муносабатга киришади. Кимдир меросга эга бўлса, яна кимдир ижара, олди-сотди, ҳаля, кредит муносабатлари билан тўқнашади. Ҳар бир ҳолатда муайян бир нотариал ҳаракатлар амалга оширилади.

НОТАРИУС БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ

давлатнинг янги хизматидан фойдаланинг

Шу боис мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институт — нотариатнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда нотариал идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш бўйича изчи ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз навбатида назарда тутилган мақсад, вазифаларга эришишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 7 июль кuni Вазирлар Маҳкамасининг “Нотариал фаолиятни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 369-сонли қарори билан хусусий нотариал фаолият бўйича малака имтиҳонини ташкил этиш юзасидан давлат хизматини кўрсатишнинг Маъмурий регламенти тасдиқланди.

Ушбу регламентга асосан мурожаат қилиш ва имтиҳонни ташкил этиш давлат хизмати Му.gov.uz - Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали комиссия томонидан кўрсатилади.

Талабгор 25 ёшдан кичик ва 65 ёшдан катта бўлмаслиги, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида 3 йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан, нотариал идорада камида 1 йил стажировка ўтаган бўлиши шарт.

Судьялик лавозимда камида 5 йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида 3 йил ишлаган шахслар стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонини иштирок этишга ҳақли.

Мазкур регламентга асосан қуйидагилар нотариус бўлиши мумкин эмас:

- муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;

- қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс.

Давлат хизматини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари, яъни 150.000 сўм миқдорини ўйини ундирилади.

Малака имтиҳони талабгорнинг малака имтиҳонини иштирок этиши мақсада мувофиқ деб топилган ҳулоса тасдиқланган кундан бошлаб 5 кундан сўнг, лекин 15 кундан кечиктирмай ўтказилади.

Расулбек ИБРАГИМОВ, Хоразм вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Очиғини айтганда...

СЎҚОҚДА НИМА ГАПЛАР?



Ҳар йили ёзнинг исик кунларида касбдошлар билан юртимизнинг сўлим оромгоҳларига чиқиб дам оламиз. Бу йил Паркент тумани Сўқоқ қишлоғига йўл олдик. Сўлим чойхоналардан бирига кирар эканмиз, темир супчада 3 нафар нуроний отахон бир пиёла чой устида хангома қилиб ўтиришган экан. Ўзимизни таништириб, уларнинг дуосини олдик. Кимлигимизни билганларидан сўнг сергаклашишди.

Сўқоқда қандай янгиликлар, муаммолар бор, деб сўрамасимиздан илгари чоллардан бири – Холдор Расулов гап бошлади:

– Сўнгу 15 йил ичида туманимизга бешта ҳоким келиб кетди. Буларнинг ичида Акбаржон Сулаймонов халқнинг меҳрини қозонган ҳоким эди. Аммо уни ҳам ишдан олишди. У халқнинг дардини эшитар ва муаммоларимизни адолат билан ҳал қиларди. Бузуғуни ҳоким Шохрўх Шоаҳмедов икки йил ичида анча ишлар қилди. Лекин бизнинг баъзи муаммоларимиз унга етиб бормаёттибди, шеклилли.

Паркент туманида аҳоли энг зич яшайдиган қишлоқ Сўқоқ ҳисобланади. У минг йиллик тарихга эга. “Чашма” булоғи бор. Бир вақтлар узоқ-узоқлардан келиб, “Чашма” булоғи атрофини илоҳийлаштиришга уринганларни, хўроз, қўй сўйиб қурбонлик қилганларни, дарахтларга дастрўмол, рўмолчаларни боғлаб, ният қилганларни ҳам кўрдик. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналарида, ота-бобларимизнинг васиятларида сувга тупурма, сувга супурма, хуллас, сувни ифлос қилма дейилган. Бу васиятларга ҳалқимиз амал қилиб келарди. Бундан 30-40 йил олдин Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона водийсидан меҳмонлар келиб қолишса, албатта, улар билан “Чашма”га чиқардик. У пайтдаги табиат бошқача эди. Ҳаммаёқда сариқ, қизил султон, олча, ёввойи опмалар, ёнғоқ, турфа еиёҳ ўтларни кўриб, ҳавасингиз келарди. “Чашма” суви оқиб ўтган ариқларда маринка балиқлари,

– Ана, “Чашма” булоғидан пастга қараб келсангиз, сой бўйига чойхоналар қуриб олган янги ўзбекларни кўрасиз. Ҳар бирида 10 тадан ўн бештагача қаравоти бўлса, бир кунда Сўқоққа ўртача 1,5 минг нафар дам олувчилар келиб-кетди. Улардан сўнг сойдан баклажка, целлофан халталар, ахлатлар, хатто болалар памперси дейсизми, ҳар бало оқиб келмоқда. Буларни назорат қиладиган ташкилот борми? – деб гапга қўшилади Соҳиб Орифжонов.

Отахонларнинг гапларига аниқлик киритиш учун “Чашма” томонга йўл олдик. Йўл-йўлак шай у ерда яшовчи одамлар билан суҳбатлашдик.

– Пастдан тегирмонгача 10 та, ундан юқорида “Чашма”гача 10 та чойхона жойлашган, – дейди Холдор Расулов.

Ариқ бўйидан борар эканмиз, ён-атрофдаги яшил оламнинг аста-секин эрозияга учраётганлигини, авваламбор, ариқларда сув қамайганлигини, унинг атрофидидаги қўлмақлар ўрнида дам олиш учун чиққан табиат шайдо-ларидан қолган турли озиқ-овқат чиқиндиларини, тош ўчоқларда қолган қул уюмларини, ағдарилб етган бир неча бақатеракларни, қуриб кетган гиёҳ ўтларни, сой устига ўрнатилган қаравотларни кўрдик. “Чашма”дан чиққан ариққа уланган ўнга яқин диаметри 5 сантиметрдан 20 сантиметргача бўлган қувурларни кўриб ажабландик.

Қувурлар ётқизилганлигига 3-4 йил бўлибди. Бу қувурлардан “Сўқоқ” аҳолиси сув ичиб, томорқасини суғораётганига нима дейсиз? Бунақасини “Кумушқон”даги бир қанча булоқларда, “Нанай”даги Қайнар булоқда, “Хумсон”даги Хумсон булоқ бўйларида ҳам кўрмалар эдик.

Бугунги кунда Экологик партия ва унинг аъзолари “Табиатни фидойилар сақлаб қолади!” шиори остида турли хил ташаббуслар билан чиқаётган пайтда партиянинг туман вакиллари ва прокуратура ходимлари қаерга қарашаяпти?

Отахонлар, маҳаллий аҳолининг савопларига жавоб олиш учун Паркент тумани экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлимидаги бош мутахассис Азиз Зиқирхўжаевга мурожаат қилдик. У юқоридаги салбий ҳолатлар улар ҳудудига алоқаси йўқлигини ваъж қилиб, чойхона эгаларига эса тегиб бўлмаслигини айтди.

Тадбиркор дегани – бу қонунларни бузиб, ўзбошимчилик билан исталган ишини қилиши мумкин, табиатга қирон келтирсин, дегани эмас-ку.

Паркент тумани санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлими ходимлари қачонгача юқоридан буйруқ кутиб ишлашади?

Фермерлар билан суҳбатлашишга тўғри келди. “Етти қир” фермер хўжалиги аъзоси Фахриёр Ҳасанбоев бундай дейди:

– Бизнинг тарафларга қувурлар ётқизилмаган. Бизнинг фермер хўжалик сойнинг охирида жойлашган бўлиб, “Чашма”нинг бу ердан узоқлиги 10 километр келади. Бундан беш йил олдин ариқлардан сув ичиб, узумзор, боғларимизни суғорар эдик. Сув муаммоси йўқ эди. Баъзи унарлар “Чашма” йўлига қувур ётқизиб, сувни ўзиники қилиб олишди. Қувурлар орқали олинаётган сувнинг ортиқчаси исроф бўлмоқда, шунинг натижасида бизга сув етиб келмаяпти. Сиз сентябрь, октябрь ойларида келин, ана ўшанда сув учун даҳанаки жангаларни кўрасиз.

“Чашма” фермер хўжалиги аъзоси Мирсолих Ҳосилов, “Тоғсар Равшан” фермер хўжалиги аъзоси Ҳасан Мирқаримов Фахриёрнинг гапларини тасдиқлашди. Бу ерларда илгари сувлар тенг тақсимланган.

Бу ҳақда “Чашма”, “Хуррият” маҳалла фуқаролар йиғини раислари Элёр Раупов ва Нодир Холтаев билан суҳбатлашдик.

– “Чашма”, “Хуррият”, “Чинор”, “Улғбек” МФЙ аҳолиси “Чашма” булоғидан сув ичиб, боғдорчилик қилишади. Илгари колхоз-совхоз негизидан сувдан фойдаланувчи уюмлар бўларди, – дейди Элёр Раупов. – 2017-2018 йилларда унинг номи сув истеъмолчилар уюмисига айлантирилди. Туманимиз бўйича 10 та сув истеъмолчилар уюмисига бўлиб, мироблар аҳолига суви ерига қараб, ҳар йили май ойидан октябрь ойигача навбат билан тартибли равишда етказиб беришган. 2020 йилда сув истеъмолчилар уюмисига тугатилиб, унинг фаолияти туман сув хўжалигига ўтказилди.

– Шундан бошлаб сув зғасиз бўлиб қолди. Ариқлар қазилмай кичрайиб кетмоқда. Кимдир сувга зор, кимдир эса уни ҳор қилмоқда, – деди Нодир Холтаев.

Раис ва маҳалла фаоллари билан суҳбатлашар эканмиз, улар суви тенг тақсимлаш, экологиянинг бузилмаслиги учун “Сўқоқ”нинг табиатини сақлаб қолиш борасида бир неча лойиҳалари борлигини айтишди. Бу ҳақда туман ҳокими ва мутасадди раҳбарлар биргаликда иш кўрсалар мақсада мувофиқ бўларди. Бугунги кунда атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишга эришиш, бу масалалардаги қонунчилик талабларини сўзсиз бажариш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш энг асосий масалалардан ҳисобланади. Она табиатни келгуси авлод учун асраш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Даврон АҲМАД Муаллиф олган суратлар

Мозийга юз тутиб

АМУ БАҒРИДАГИ ДУСТЛИК КЕЧУВЛАРИ ТАРИХИ



Бугун нафақат минтақавий, балки глобал миқёсда эътибор қаратилаётган муаммолардан бири Афғон заминидagi мураккаб вазият билан боғлиқ. Зеро, бу ҳудуд доимий манфаатлар тўқнашуви, зиддиятлар ўчоғи бўлиб келган. Шундай бўлса-да бир нарсасга алоҳида эътибор қаратиш керакки, афғон халқининг қўшни халқларга нисбатан тажовузкор харақати кузатилмаган. Аксинча, бу ҳудудда, Амунинг икки соҳилида яшовчи халқлар тарихи, маданияти, эътиқоди, тили, урф-одат ва анъаналари билан ўзаро уйғунликка эга бўлган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Амударёнинг икки қирғоғида истиқомат қилувчи халқлар бир неча бор умумий давлатчилик тузилмалари таркибиди, шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконда ўзаро ҳамжихатликда умр кечирганлар”.

Амударё неча асрлар давомида икки қирғоқда истиқомат қилувчи халқларнинг иқтисодий-иқтисодий ҳаётида кўприк бўлиб хизмат қилиб келган. Дарёнинг ўнг ва чап қирғоғида истиқомат қилувчи халқлар бир неча асрлар давомида бир давлат таркибиди яшаб келганлар.

Асрлар давомида Амударёнинг чап қирғоғи аҳолиси ҳамда Шарқ ва Ғарб давлатларини бир-бири билан боғловчи йўлда жойлашган Сурхон воҳаси уларни боғловчи халқа бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли Буюк ипак йўлини Термизисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Айнан мазкур заминнинг Амударё қирғоғида жойлашгани ва бу ҳудудда қулай кечувларнинг бўлиши бунга имкон берган. Қадимшunos олимлар асарларида ва араб-форс манбаларида Окс кечувлари ҳақида маълумотлар бор. Бу манбаларда Керки (Туркманистон) ва Айванч (Тожикистон) оралиғидаги еттига кечув, яъни Керки, Келиф, Қоракамар, Чўчкагузар, Шўрб, Термиз ва Хотинработ қайд этилади. Мазкур кечувларнинг бештаси, яъни Қоракамар, Чўчкагузар, Шўрб, Термиз, Хотинработ айнан Сурхон воҳасида жойлашган. Ўз навбатида мазкур кечувлар ёнида карвонсаройлар, турли хил моллар сақланадиган ва савдогарлар учун меҳмонхоналарнинг бўлиши бу кечувларнинг аҳамиятини янада оширган. Ҳофизу Абру Чўчкагузар кечуви ҳақида Чаганиён тарихи асариди шундай ёзади: “Бурдоғуй – Жайхун бўйида, Тер-

мизга туташ бўлган мавзе. Баъзилар уна Термиздан анча олдин асос солинган, дейишади. Айримлар эса уни Искандар қурдирган, дейдилар. “Бурдоғуй – юнонча сўз бўлиб, “меҳмонхона” деган маънони англатади ва бу ном ҳам Искандар замониди кўйилган, деган фикрни айтганлар. Қадимда зиммасига Жайхуннинг кечуvidан ўтишини таъминлаш юкланган кемачиларнинг бошқилари шу Бурдоғуйда турганлар.

Бурдоғуй султонлар ўтадиган кечув бўлган. Қадимги подшоҳлар ул мавзенинг аҳолисини дарёнинг гузарини қўриқлаб туриш учун рағбатлантириб, улара тархонлик берганлар. Шу сабабдан у ерда аҳоли кўпайган, бой-бадавлат зодагонлар истиқомат қилган. У ерда бирон-бир мусофир келиб қолса, уни яхши кутиб оланлар. Тез орада ул жойнинг халқи ўз олижаноблиғи билан машхур бўлди”.

Тарихий тараққиётнинг кейинги даврларида ҳам айнан мазкур кечувлар Бухоро хонлигининг йирик савдо-иқтисодий марказлари – Бухоро, Қарши, Шеробод ва Самарқандни Афғонистоннинг Қобул, Хирот, Маймана, Кундуз, Балх ва Қандаҳор шаҳарлари билан боғлашда муҳим ўрин тутган. Айванч савдо йўлида жойлашган Хотинработ карвонсаройи XVI-XVII асрлар оралиғида барпо этилган, пишқиғиш асосий қурилиш материали сиғирфатида ишлатилган. Карвонсаройнинг йирик гумбазли хонаси жамоа

иншооти вазифасини ўтаган. Хоналардан бирида айлана ўчоқ сандал, бурчакларида иккита ўра жойлашган. Иккинчи бир хона деворида тош-ўчоқ ва тоқча ўрни мавжуд. Барча карвонсаройларда бўлгани сингари карвон юки сақланадиган айван ва ертўла ҳамда карвон хайвонлари учун ҳовлилар ҳам бўлган.

Руслар ҳам, инглизлар ҳам Амударё кечувларини жуда чуқур ўрганган. Айванч кечуви – Амударёга қўйилмадиган Кофирниҳон дарёси чегара пости қаршисида жойлашган, эни 1 чақиримча, оқим тезлиғи секундига 6 фут. Кечув орқали Россия товарлари Афғонистонга ўтказилиб, Афғонистондан асосан қорамоллар олиб келинган. Қирғоқдан 2 чақирим узоқликда Айванч божхонаси жойлашиб, қадимда ушбу кечувда кўприк бўлиб, унинг қолдиқлари сақланиб қолган. Ушбу кечув Бухоро амирлигини Қабодиён ва Афғонистоннинг Кундуз шаҳарлари билан ўзаро боғлаб, савдо-сотик ишларида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Айритом кечуви Афғонистон чегара пости қаршисида жойлашган бўлиб, эни бир чақиримдан кўпроқ, дарё оқимининг тезлиғи эса секундига 5 футни ташкил этиб, асосан қайиқлар орқали товарлар ташишга хизмат қилган. Кейинчалик Айритом кечуви ўз аҳамиятини йўқотди. Совет даврида, Амударёнинг энг тор жойида (700 м) қурилган Дустлик кўприғи айнан Айритом кечуви ўрнида барпо этилган ва бугунги кунда Шарқ давлатлари билан

олиб борилаётган савдо алоқаларида муҳим аҳамиятга эга.

Керки кечуvidан кейин муҳим ўрин тутувчи кечув, бу Паттакесардир. У Термиз истеҳкоми қаршисида жойлашган бўлиб, эни 600 сажан, чуқурлиғи 4-5 фут, оқимининг тезлиғи эса секундига 5 фут. Кечувда 4 катта кема, унинг иккитаси афғон ва яна иккитаси Бухоро амирлиғига қарашли бўлиб, бундан ташқари қайиқлар ҳам хизмат қилган. Қайиқларнинг дарё бўйлаб юқорига қараб ҳаракатида Паттакесар кечуви охиригн нуқта бўлганлиғи учун ҳам савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган. Бу кечув Самарқанд – Қобул ва Ҳиндистон йўлидаги энг қиска йўл бўлиб, Шарқий Бухоронинг Шеробод, Денов, Бойсун бекликлари ва Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳарлари ўртасидаги савдо-сотик ва мол алмашинувида алоҳида ўрин тутган. Афғонистондан келувчи маҳсулотларнинг 40 фоизи Керки божхонаси орқали ўтган.

Воҳадаги кечувлардан яна бири Чўчкагузар кечуви бўлиб, эни 300-400 сажан, чуқурлиғи 5-8 фут, оқим тезлиғи секундига 5 фут бўлиб, қайиқлардан фойдаланилган. Бундан ташқари, Амударёнинг икки қирғоғида 3 кема, иккитаси афғон ва биттаси Бухоро амирлиғига қарашли кемалар савдо ишларида хизмат қилган. Бу кечув орқали Шеробод беклиғи ва Мозори Шариф ўртасидаги савдо алоқалари олиб борилган. Кечувдан йиллиғи Шеробод беги 2000 танга даромад қилган. Чўчкагузар кечуvidан 1891-1892 йилларда Ҳиндистондан олиб келинаётган товарларнинг жами 30 фоизи олиб ўтилган. Катта кемалар 16-18 дона туя, 18-20 дона от, 200 дона қўй, 700-800 пуд бугдойга тенг миқдордаги юк кўтара олган. Булардан ташқари кечувларда кўплаб юк ва одам ташиши учун қайиқлардан фойдаланилган. 3-4 киши томонидан бошқариладиган қайиқларнинг юк кўтариш қуввати 50-75 ботмонни ташкил этган. Бухоро – Афғонистон савдо алоқаларида чорва моллари, хусусан, қўй савдоси етакчи ўрин тутган. Амударёнинг чап қирғоғидаги Кундуз, Хулм, Рустак ва Афғон Туркистони (Чорвилея) ҳудудида истоқомат қилаётган кўчманчи – қатагонларда майда ва йирик чорва молларининг энг яхши зотлари бўлиб, у ерда Бухоро савдогарлари пилла ва пахтадан бўлган турли газламалар, пойабзал ва пўстинлар олиб бориб сотганлари ҳолда, март ойидан бошлаб, мол сотиб олиш савдосини юритганлар.

Афғонистон билан бўладиган савдо-иқтисодий алоқаларининг тарихини тижорат ишлари учун қулай имкониятлар, яъни Бухоро амирлиғида афғон, ҳинд савдогарларининг молларидан бож моллар сотиб бўлинганидан кейин олиналлиғи кечувларнинг тўхтовсиз фаолият юритишига имкон берган. Бундан ташқари, кечувлардан мол ўтказишда жуда кам миқдорда ҳақ олинган. Амударёнинг барча кечувларида бир хил ҳақ белгиланган. Бу имкониятлар мазкур кечувларнинг савдо ривожиди тўхтовсиз фаолият юритиш имконини берган. Бу ҳолат ўз навбатида воҳа иқтисодий ҳаётининг ривожига, хусусан, Термиз шаҳрининг йилдан-йилга кенгайиши ва у ерда янги-янги қурилиш ишларининг олиб борилишига имкон берди. Шаҳарда савдо-сотик билан шуғулланувчи ижарачилар, мол ташиб келувчилар ва савдогарлар сонининг кўпайиб боришига имкон берди.

Бунун бир тарихи давомида яхши қўшничилик сиёсатини олиб бораётган афғон диёридаги тинчлик ва осойишталикнинг Осиё давлатлари ва дунё тараққиётидидаги ўрни қанчалик муҳим эканлиғига Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференциясида шундай баҳо берди: “Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий ва цивилизациявий мушарақлиғи, халқларимиз ва мамлакатларимизнинг умумий манфаатлари биргаликда фаровон келажакни бунёд этишимиз учун мустақкам замин яратди”.

Эшболта ҚОБУЛОВ,
Термиз давлат педагогика институти директори,
тарих фанлари доктори,
профессор

Фаолият

ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ АХБОРОТ ПЛАТФОРМАСИ ДАВЛАТ ТИЛИДА ЯРАТИЛАДИ

Юртимизда хунармандчилик яхши анъанага, улкан салоҳиятга эга соҳа ҳисобланади. Аждодларимиз узоқ йиллардан буён миллий хунармандчилик билан шуғулланиб, рўзгорига кут-барака киритган, меҳнати ва яратган маҳсулоти билан одамларга наф келтирган.

Хунармандчилик қадимда ҳам, ҳозир ҳам аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омилли сифатида муҳим аҳамият касб этади ва соҳа маҳсулотлари уста хунармандларнинг кўл меҳнати орқали санъат асариди даражасига етказилади. Шу босим мамлакатимизда ҳам хунармандчилик равнақига туризм индустриясининг жозибадорлиғини таъминловчи восита сифатида эътибор қаратилиб, хунармандлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этиляпти. Бу борада қабул қилинган ҳуқуқий асослар эса айни хунармандчилик тармоғида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяман, деган фўқароларга ҳам катта имкониятлар яратаяпти.

Жумладан, аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, «уста-шоғирд» анъаналари асосида маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида 2021 йил 30 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан хунармандчилик лойиҳаларини молиялаштириш, имтиёзли кредитлар учун аниқ сўмадаги маблағлар ажратиш йўлга қўйилди, хунармандларга солиқ имтиёзлари берилди, 2022 йилдан бошлаб аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жағфармаси ҳисобидан «уста-шоғирд» анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларнинг шоғирдларига мустақил фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни солтиб олиши, шунингдек, усталарга — интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган қисмига субсидиялар ажратиш тартиби жорий этиш белгилаб қўйилди.

Жаҳон миқёсда хунармандчиликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ретроспектив жихатларини тадқиқ этиш, муайян турдаги товарларни ишлаб чиқаришда хунармандчилик элементларидан фойдаланиш, тарихий урф-одатларни эътиборга олиб, иждоий ёндашиш, анъанавий хунармандчиликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда унга та-

лабни ошириш учун маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, хунармандчилик маҳсулотлари экспорт ҳажмини оширишда ахборот платформаларини яратиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Шу долзарбликни эътиборга олган ҳолда, Инновацион ривожланиш вазирлиғи томонидан амалий ва инновацион лойиҳалар танловида эълон қилинган “Туризм соҳасига сайёҳларни жалб қилишда миллий хунармандчилик маҳсулотлари брендининг ахборот платформасини яратиш” мавзуси бўйича Тошкент молия институти олимлар гуруҳи томонидан топширилган инновацион лойиҳа ғолиб деб топилди, молиялаштиришга тавсия этилди.

Лойиҳа мавзусининг долзарблиғи ва ушбу лойиҳанинг яратишда зарурат мамлакатимизда хунармандчилик ва туризм соҳаларида кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган, шу кунгача хунармандлар учун мўжаланган бир қанча веб-саҳифалар мавжуд бўлса-да, уларада маҳсулотлар бренди ҳимояланмаган, жозибадорлиғи етарли эмас, яъни хунармандлар маҳсулотлари орқали сайёҳларни жалб қилиш механизми мавжуд эмаслиғи билан белгиланади.

Лойиҳанинг амалий аҳамияти эса миллий хунармандчилик маҳсулотлариға уникал QR-код қўйиш орқали маҳсулотлар брендининг индивидуаллигини ошириш ҳамда хорижий сайёҳларни жалб қилишнинг ахборот платфoрмасини яратиш борасида

қуйидаги муаммолар ечимини топилади: туризм соҳасида миллий хунармандчилик маҳсулотларининг онлайн савдосини хизматини шакллантириш, хорижий сайёҳларни жалб қилишда миллий маҳсулотларга қўйилган стикерлар орқали жозибадорлиғи оширишлари бўлиб қолмоқда. Шу долзарбликни эътиборга олган ҳолда, Инновацион ривожланиш вазирлиғи томонидан амалий ва инновацион лойиҳалар танловида эълон қилинган “Туризм соҳасига сайёҳларни жалб қилишда миллий хунармандчилик маҳсулотлари брендининг ахборот платформасини яратиш” мавзуси бўйича Тошкент молия институти олимлар гуруҳи томонидан топширилган инновацион лойиҳа ғолиб деб топилди, молиялаштиришга тавсия этилди.

Бунинг учун эса туризм соҳасида фаолият юритётган Ўзбекистон хунармандлари маҳсулотлариға уникал QR-код генерация қилувчи дастурий таъминоти ишлаб чиқилади; махсус стикерлар шакллантирилади ҳамда хунармандчилик маҳсулотларига стикерлар қўйилади (ёпиштирилади) ва маҳсулотнинг онлайн соловини амалга ошириш бўйича услубий кўрсатма яратилади; стикерли хунармандчилик маҳсулотлари сотувчи амалга оширилганда ёки қайта скайнер қилинганда, истеъмолчининг маълумотлар базаси автоматик равишда янгилашиб борадиган тизим йўлга қўйилади; яратилган дастур орқали статистик кузатувларни, хунармандлар буюртмалар юбориш ва қабул қилишнинг назорат қилиш имконини пайдо қилади; ижтимоий тармоқларни (Facebook, Instagram, Telegram, youtube ва ҳ.к.) интеграция қилиш орқали стикерли



Наибохон МАМАДАЛИЕВА,
филология фанлари доктори, профессор

хунармандчилик маҳсулотларини тарғиботи ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар рекламаси амалга оширилади; хорижий истеъмолчилар миллий хунармандчилик маҳсулотларидаги стикерни скайнер қилганда тўғридан-тўғри Ўзбекистон туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи маълумот берувчи реклама ишлаб чиқилади; дастур туризм соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар билан боғланиш имкониятини беради; миллий бренд маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хунармандлар ва ташкилотларнинг маълумотлари ҳамда уллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобини юритувчи интеграцион янгилашиб боруви электрон база шакллантириб борилади; туризм соҳасида фаолият юритувчи хунармандлар иштирокидаги фестиваль, ярмарка ва кўрсатмалар тўғрисидаги эълонлар бериб борилади.

Ушбу лойиҳанинг йўлга қўйилиши асосида эришиладиган яна

муҳим ютуқлардан бири – миллий хунармандчилик маҳсулотларининг онлайн савдодаги улушининг ортишига эришилади; халқаро миқёсда миллий хунармандчилик маҳсулотлари брендининг кенг ёйилиши ва индивидуаллигининг ошишига олиб келади, туризм жозибадорлиғини ошириб, сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилинишига ҳамда иқтисодийда туризм ўрнини ва миллий хунармандчилик маҳсулотлари савдосини ривожлантириш имконияти пайдо бўлади. Ўзбекистонга кирувчи туристларни жалб қилиш ҳамда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар мавжуд, лекин туризм соҳасида хунармандчилик қай даражада ривожланганлиғини

Ҳулоса ўрнида шунни айтишимиз мумкинки, хунармандлар хар жабҳада давлат гамхўрлигини хис қилиб, маҳсулот яратмоқдалар. Биз тадқиқотчи олимлар эса уларнинг илминни ўрганиб, илмий ҳулосалар асосида ҳам тадбиркорлик, ҳам хунармандчиликнинг ривожланишига, рақамлаштириш ишларида фаол бўлишга ва давлат тилимиз мавқеини янада мустақкамлаштиришга хисса қўиши йўлида хизмат қилмоқдамиз.

кўрсатиб берадиган лойиҳалар йўқлиғи сабабли бизнинг лойиҳамиз биринчилардан бўлиб хунармандчиликни тарғиб қилиш имконини беради. Агар ўтган йиллар таҳлилларига мурожаат қиладиган бўлсак гапимизнинг тасдиғини олишимиз мумкин. Яъни, 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикасиға хорижий мамлакатлардан 5 миллиондан ортиқ туристлар ташриф буюрган. Шунингдек, ушбу йилда туризм фаолиятида хунармандчилик маҳсулотлари экспорти 15,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Шундан, хунармандчилик маҳсулотлари савдосининг 45% кирувчи туристлар ҳисобига, 25% халқаро кўрғазмалар доирасида, 25% тўғридан-тўғри шартномалар асосида ҳамда 5% савдо эса онлайн тарзда амалга оширилган.

Лойиҳанинг технологик жиҳати ва маънавий аҳамияти эса янги ишланма давлат тилида яратилади ва рус, инглиз тилларига таржима қилинади. Бу билан хунармандларнинг маҳсулотлари дунё юзини кўриши учун давлат тилида рақамлаштиришдан фойдаланилади. Хунармандлар ўзларининг маҳсулотлари ҳақидаги маълумотларни ҳам давлат тилида жойлаштиришдан сўнг шахсий кабинетларида тўғридан-тўғри рус ва инглиз тилига таржима қилинади ва интеграция қилинади. Платформада уникал код орқали маҳсулотни тўлиқ назорат қилиш ҳамда кодлар орқали тўловларни амалга ошириш модули яратилади. Маҳсулотларни онлайн магазин орқали сотиш ва сотилган товарларни етказиб бериш учун очилган веб-саҳифа ҳам тўлиқ давлат тилида бўлади ва операциялар ҳам давлат тилида командалар орқали амалга оширилади. Сотилган маҳсулотлар ва талаблар базаси, статистик ҳисоботларни генерация қиладиган дастурий таъминот ҳам давлат тилида берилади...



✓ **Муҳокама учун мавзу**



МАГИСТРАТУРА

Муаммонинг ечими сифатида олий ўқув юртлирининг магистратура босқичида ўқиш учун хорижий тилни билиш сертификати талаб қилишдан воз кечиш зарур. Чунки бу ёшларимизга оғирлик қилаётганини сертификатларнинг 70 фоизи сохталаштиргани ҳам кўрсатиб турибди. Чет тилини ўқиш-ўрганиш ойлари ёки йиллар билан белгиланадиган машғулоти эмас, узлуксиз жараён ҳисобланади. Қолаверса, сертификат олиш учун катта маблағ сарфланади. Буюқда талабанинг контракт тўлови ҳам бор. Хўш, ота-оналар улардан қай бирига пул топиб беради?

МАҚСАД —

ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШМИ ЁКИ ЯХШИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШ?

Биз Ўзбекистонда яшаймиз, она алласини илк бор ўзбек тилида эшитганмиз, шу тилда хат-саводимиз чиққан, яқинларимиз, дўсту биродарларимиз билан она тилимизда сўзлашамиз. Бош комусимизда ўзбек тилининг давлат тили мақомида экани қайд этилган. Мамлакатимиздаги олий ўқув юртлирининг (хорижий институт-университет филиалларидан ташқари) бакалавр ёки магистратура босқичида ўқиш учун ёшлардан ўзбек тилини билиш талаб этилиши мақсадга мувофиқми ёки чет тили сертификати сўралиши керакми?

Ҳа, мантиқан олганда давлат тили биринчи ўринда туради. Дунёга юзлашаётганимиз, глобаллашув жараёни, ёшларнинг чет тилларни ўрганишга иштиёқи, халқаро муносабатларда хорижий тилни билиш муҳимлиги, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш зарурлиги... улардан ҳеч бири она тилимизнинг мавқеи, кадр-қимматига соя солиш ҳисобига бўлмайди. Олий ўқув юртлиримизда кадрлар ҳам чет элларга бориб ишлаш учун эмас, мамлакатимиз раванқига хизмат қилиши учун тайёрланади. Демак, биринчи навбатда, улардан танлаган соҳасини мукамал ўрганиши талаб этилади. Чет тилини билиши эса иккинчи даражали масала.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 28 июль куни ижодий, касбий имтиҳонларни шаффоф ўтказиш бўйича йиғилишда олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов 2022-2023 ўқув йилида магистратура

босқичида ўқиш учун ҳужжат топшираётганларнинг 70 фоизи хорижий тилни билиш бўйича сохта сертификат тақдим этганини айтиб ўтди. Бу ижтимоий тармоқларда вазири кутган натижани бермади. Магистратурага кириш учун чет тилларини билиш сертификати талаб қилинаётгани, ёшлар ўз она тилини, ўзи танлаган соҳа бўйича фанларни ўрганиши четга суриб қўйиб, асосий вақтини (чет тилини билиш учун эмас) сертификат олиш учун сарфлаётгани ҳақида эътирозлар билдирилди.

Сертификатларнинг сохталаштирилиши масаласига тўхталсак, бу зўрма-зўракилик, талаб нотўғри қўйилиши оқибати. Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Биз уларнинг барвақт олдини олиш, содир этилишига имкон яратадиган сабаб ва шарт-шароитларни вақтида бартараф қилиш зарурлигини била туриб, ҳуқуқбузарликлар рўй берганидан кейингина

оқибатлари билан курашишга одатланиб қолганмиз.

Йиғилишда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов масъуларга магистратурага топширилаётган сертификатларнинг 70 фоизи сохталаштирилиши ҳолатини қатъий назоратга олиш, қабул яқунланган сертификатларни экспертлар иштирокида яна бир бор текшириш, сохта сертификат топширганларни ўқишдан четлатиш бўйича зарур кўрсатма бергани ҳам бунинг бир исботи десак, муболага бўлмайди.

Биз айбдорлар жазоланиши, сохта сертификат топширганлар ўқишдан четланишига қарши эмасмиз, чет тилларини юқори даражада биладиган талабаларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Аммо шу ўринда ҳақли савол туғилади: хорижий тилни билиш бўйича сохта сертификат топширганлар осмондан тушиб келмаганми? Барчаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик тизимидаги университет ва институтларнинг бакалавр босқичини тамомлаган талабалар, демак, "Келинлар кўзғолони" ко-

Мухтасар айтганда, ҳолва деган билан оғиз чучимади. Хорижий тилни билиш сертификати олишга кетадиган вақтини талабалар танлаган соҳаси бўйича фанларни чуқур ўзлаштиришга сарфласа, чет тилини эса мустақил ўрганса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сиз бунга нима дейсиз?

Сўзюндик МАМРОП,
"Adolat" мухбири

медиясида Фармонбиби айтганидек, "Хўрозқанд чет элники деса, ётиб олиб ялайди"ганлар кўпайиб кетгани учун вазири ҳам жавоб берса, адолатдан бўлади. Ахир гап магистратурага ҳужжат топширган ёшларнинг нақд 70 фоизи ҳақида бораёпти! Агар улар магистратура босқичида ўқишни давом эттирмаган тақдирда ҳам қандай мутахассис бўлиб етишгани сўроқ остида қолади.

Муаммонинг ечими сифатида олий ўқув юртлирининг магистратура босқичида ўқиш учун хорижий тилни билиш сертификати талаб қилишдан воз кечиш зарур. Чунки бу ёшларимизга оғирлик қилаётганини сертификатларнинг 70 фоизи сохталаштиргани ҳам кўрсатиб турибди. Чет тилини ўқиш-ўрганиш ойлари ёки йиллар билан белгиланадиган машғулоти эмас, узлуксиз жараён ҳисобланади. Қолаверса, сертификат олиш учун катта маблағ сарфланади. Буюқда талабанинг контракт тўлови ҳам бор. Хўш, ота-оналар улардан қай бирига пул топиб беради?

Ибрат

Қайси бир миллатнинг она тили ўз ҳожатини ўтаёлмай, бошқа ёт тиллар олдида мағлубиятга учраб тиз букар экан, ундай миллат кўп узоқламаёқ, инсоний ҳуқуқларидан ажраган ҳолда ҳаёт дафтари устига инқироз қалами чекилиши шубҳасиздир. Ундай миллатлар ёлғизгина Ватанларидан эмас, балки бутун борлиғи билан тарих юзидан йўқолишга мажбур бўладилар.



Алихонтўра СОҒУНИЙ
(«Туркистон қайғуси» китобидан)



ШУНДАЙ ЯШАЙЛИККИ...

Агар сиз дайди итни асраб, яхши яшаши учун ша-роит яратиб берсангиз, у сизни ҳеч қачон тишламайди. Инсон ва ит ўрта-сидаги принципал фарқ шундан иборат.

Ҳикमतлар

- Азобланиш учун душман ҳам, дўст ҳам зарур бўлади: биринчиси сизга тўхмат қилса, иккинчиси буни сизга етказди.
- Банкир – бу кўёш чиқиб турган пайтда соя-бонини сизга қарзга бериб, ёмғир бошланадиган пайтда уни қайтиб оладиган киши.
- Манманлиқнинг чеки йўқ, фақат уни яшира олишининггина чегараси бор.
- Нафсни енгининг бир неча йўллари бор, уларнинг энг аниғи – қўрқоқлик.
- Шундай яшайликки, бизнинг вафотимизга ҳатто гўрков ҳам йиғласин.
- Одамларнинг ойни яхши кўриши боиси шуки, у ўзининг қоронғи томони билан бизга ўгирилмайди.



Марк ТВЕН
(1835-1910)
йилларда
яшаб, ижод
этган
америка
ёзувчиси)

ГАЗ ИСИДАН ЗАҲАРЛАНИБ ҚОЛМАНГ

Газ иси рангсиз, ҳидсиз, кўп учрайдиган заҳарли бирикма бўлиб, у ёқилги, кўмир, ўтин чала ёниши оқибатида ҳам вужудга келади. Тутун таркибида 3 фоз, ишланган газда 13 фоз, портловчи газлар таркибида 50-60 фозгача ис бўлади.

Газ исидан қатор органик моддаларни (ацетон, метил спирт, фенол ва бошқалар) синтез қилиш учун фойдаланиладиган корхоналарда, автоуловлар тураргоҳларида вентиляция ёмон бўлганда, янги бўялган ва шомол-латилмадиган хоналарда, шунингдек, уй шароитларида табиий газ чиқиб турганда ва печ билан иситиладиган уйлар, ҳаммомларда, дам олиш чодирларида заҳарланиб қолиш мумкин.

Газ иси организмга нафас аъзолари орқали таъсир этади. Ушбу газ кислородга нисбатан 300 мартаба тез ва кўпроқ гемоглобинга бирикиш хусусиятига эга, шунинг учун жуда мустаҳкам бирикма – карбоксигемоглобин ҳосил қилади. Оқибатда гемоглобиннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти жуда пасайиб, гипоксияга, оғир заҳарланганда эса аноқсияга олиб келиши мумкин.

Газ исининг таркибидаги темир моддаси нафас олиш ферментини парчалайди. Бу ўз навбатида тўқималарининг нафас олиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Газ иси билан заҳарланган организмда углерод ва оқсил алмашинуви бузилади. Натижада бош миёда босимнинг ошиши кузатилади. Организмга кислород етишмаслиги оқибатида марказий асаб тизими фаолияти ишдан чиқади. Шу тариқа инсон ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳовога олиб чиқиш, нафас олиши тўхтаб қолганда эса сунъий нафас бериш лозим. Бу тадбир бемор мустақил нафас олгунга қадар ёки биологик ўлим аломатлари пайдо бўлгунча давом эттирилади. Баданни ишқалиш, оёқларга грелка қўйиш, қисқа вақт нашатир спирт буғларини ҳидлатиш (нашатир спирти бемор бурнидан камида 1 см узоқликда шимдирилган пахта ёки марлида бўлиши шарт, акс ҳолда спиртининг ўткир ҳиди беморни фалаж ҳолатига олиб келиши мумкин) заҳарланиш оқибатларини тугатишга имкон беради.

Комил АРИПОВ,
маъмурий биноларда ёнган хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинимаси мутахассиси

Чеккиш одамни дангаса қилиб қўяди

Тадқиқот

Бразилиялик экспертлар сигарета чекишининг яна бир салбий жиҳатини аниқлашди. Маълум бўлишича, чекувчилар нафақат ўз саломатлигига зарар етказди, балки жуда дангаса бўлиб қолади ва ҳатто депрессияга тушади.

Тадқиқот доирасида олимлар 100 кишидан иборат кўнгиллилар гуруҳини тузди. Кейин улар иккига бўлинди: биринчисига чекмайдиганлар, иккинчисига эса чекувчилар кирди. Экспериментнинг барча иштирокчиларидан ҳар куни сўровдан ўтиш

ва анча узоқ масофага пиёда юриш талаб этилди. Илмий тадқиқотчилар олти кун давомида кўнгиллиларни кузатди.

Ушбу эксперимент натижасида олимларнинг чекувчилар пиёда юриш пайтида нафас олишга қийналиши ва зарарли одати бўлмаган одамларга қараганда, улар анча қисқа масофани босиб ўтиши ҳақидаги назарияси амалда исботланди.

Шунингдек, сўровлар натижаси экспериментнинг чекувчи иштирокчилари бирмунча тез толиқишини ва кўпинча уйқусизликдан

азият чекишини, тоза ҳавода юришни ёқтирмайлигини ва кам ҳаракатли турмуш тарзини маъқул кўришини тасдиқлади.

Шунга ўхшаш тадқиқот билан немис экспертлари ҳам шуғулланди. Улар чекувчиларнинг 17 фоизи тунги уйқуга олти соатдан камроқ вақт сарфлайди, кашандаларнинг 28 фоизи эса уйқу бузилишидан азият чекади, деган хулосага келишди. Табиийки, чекмайдиган кишиларда бундай муаммолар камроқ учрайди.

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис:
«Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖўРАЕВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); 71 288-42-14 (144); 71 288-42-12 (132);

Котибият — 71 288-42-12 (132);

Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (141) факс;

Қабулхона — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

Масъул котиб — Абдугани Солиқов

Навбатчи муҳаррир — Камол Матқубов

1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

info@adolatgz.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2093-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 700

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Адади — 1321
Босишга топширилган вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

«Шарқ» НМАК Басмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.